ТОШКЕНТ ТЕМИР ЙЎЛ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.15/30.12.2019.T.73.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ТЕМИР ЙЎЛ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ

САИДИВАЛИЕВ ШУХРАТ УМАРХОДЖАЕВИЧ

БЎЙЛАМА ЙЎНАЛИШДА КИЧИК ТЕЗЛИКДАГИ ШАМОЛ ТАЪСИРИДА САРАЛАШ ТЕПАЛИГИ ТОРМОЗ ПОЗИЦИЯЛАРИНИНГ УЧАСТКАЛАРИНИ ҲИСОБЛАШ УСЛУБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

05.08.03– Темир йўл транспортини ишлатиш

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)ДИССЕРТАЦИЯСИ

АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент– 2020

УЎК 656.21

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам

Content of the dissertation abstract of doctorof philosophy (PhD) on technical sciences

Саидивалиев Шухрат Умарходжаевич
Бўйлама йўналишда кичик тезликдаги шамол таъсирида саралаш тепалиги тормоз позицияларининг участкаларини ҳисоблаш услубини такомиллаштириш 3

Саидивалиев Шухрат Умарходжаевич
Совершенствование методики расчета участков тормозных позиции сортировочной горки при воздействии попутного ветра малой величины 22

Saidivaliev Shukhrat Umarkhodjaevich
Improving the methodology for calculating sections of the brake positions of a sorting slide under the influence of a small tailwind ……. 40

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works…… 43

ТОШКЕНТ ТЕМИР ЙЎЛ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.15/30.12.2019.T.73.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ТЕМИР ЙЎЛ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ

САИДИВАЛИЕВ ШУХРАТ УМАРХОДЖАЕВИЧ

БЎЙЛАМА ЙЎНАЛИШДА КИЧИК ТЕЗЛИКДАГИ ШАМОЛ ТАЪСИРИДА САРАЛАШ ТЕПАЛИГИ ТОРМОЗ ПОЗИЦИЯЛАРИНИНГ УЧАСТКАЛАРИНИ ҲИСОБЛАШ УСЛУБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

05.08.03– Темир йўл транспортини ишлатиш

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)ДИССЕРТАЦИЯСИ

АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент– 2020

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Олий аттестация комиссиясида B2019.2.PhD/T1212рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент темир йўл муҳандислари институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tashiit.uz) ва "ZiyoNet" Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Туранов Хабибулла Туранович** техника фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	**Худайберганов Кобилжон Тахирович** техника фанлари доктори, профессор
	Махкамов Нурмухаммад Янгибоевич техника фанлари номзоди
Етакчи ташкилот:	**Тошкент автомобил йўлларини лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатация қилиш институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент темир йўл муҳандислари институти ҳузуридаги PhD.15/30.12.2019.T.73.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «09» 07 соат 15⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100167, Тошкент, Одилхужаев кўчаси, 1 уй. Тел.: (99871) 299-00-01; факс: (99871) 293-57-54; e-mail: tashiit_rektorat@mail.ru.

Диссертацияси билан Тошкент темир йўл муҳандислари институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (010 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100167, Тошкент, Одилхужаев кўчаси, 1 уй. Тел: (99871) 299-05-66

Диссертация автореферати 2020 йил «03» 07 куни тарқатилди.
(2020 йил «03» 07 даги 011 рақамли реестр баённомаси).

А.Э. Адилходжаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Я.О. Рузметов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.н.

Н.Н. Ибрагимов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.Темир йўл станцияларидаги саралаш тепалигининг асосий вазифаси таркибларни қайта ишлаш ҳамда янги таркибларни тузиш ҳисобланади. Бу эса кўп жиҳатдан оқилона лойиҳаланган саралаш тепаликдаги тушиш қисмининг профилига боғлиқ бўлади. Тепаликнинг тушиш қисми баландлигини ҳисоблаш ва лойиҳалаш ишлари мавжуд усул бўйича бажарилиб, бунга кўра саралаш тепалигининг қиялигидаги вагонни ҳаракат тезлиги, айланувчи массаларнинг инерциясини ҳисобга олган ҳолда жисмнинг вертикал бўйича тушиш тезлиги формуласи орқали аниқланади. Аммо вагоннинг вертикал тушиш вақтида, айланувчи массаларнинг инерцияси бўлмайди. Ривожланган давлатлар, жумладан АҚШ, Германия, Швеция, Хитой, Ҳиндистон, Россия каби мамлакатларда магистрал темир йўл транспорти ва маҳаллий тармоқларига таъсир кўрсатувчи саралаш станцияларининг тепаликларини механизациялаш ва автоматлаштириш каби усулларини ишлаб чиқишга катта эътибор қаратилмоқда.

Саралаш тепалигининг тушиш қисмини ҳисоблаш ва лойиҳалаш муаммоларининг тадқиқотига бағишланган бир қатор ишларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, тепалик қиялигидан якка вагон ҳаракатининг математик модели ва ҳисобий схемалари ишлаб чиқилмаганлигини тасдиқлаш имкониятини беради. Хусусан, тормоз позициялари участкасида вагоннинг тормозлаш вақти, йўли ва тезлигини аниқлаш усули шу вақтгача илмий асосда кўриб чиқилмаган. Ушбу ҳолатда, тўхтатиш жойига эга участкаларида вагон ҳаракатининг математик моделини тузиш асосидаги, кичик қийматдаги бўйлама шамол таъсирида саралаш тепалигининг тушиш қисмини ҳисоблаш ва лойиҳалаш усулини такомиллаштириш темир йўл транспортининг долзарб амалий масалалардан бири ҳисобланади.

Республикамизда транспорт тизимларини ривожлантириш, жумладан темир йўл транспортининг саралаш станцияларида вагон оқимларини қайта ишлаш жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришни оптималлаштирувчи ва назорат қилиб баҳоловчи технологияларни ишлаб чиқиш чора-тадбирлари амалга оширилмоқда. 2018-2022 йилларда транспорт тузилмасини такомиллаштириш чора - тадбирларида, “... умуман темир йўл транспорти соҳасида — темир йўл транспорти хизматлари сифати ва хавфсизлигини ошириш, янги темир йўл магистралларини қуриш, темир йўлларни электрлаштириш даражасини ошириш, мамлакатнинг ташқи савдо юклари асосий жаҳон ва минтақа бозорларига олиб чиқилиши учун халқаро транспорт йўлакларини шакллантиришни давом эттириш ва уларнинг фаолиятини такомиллаштириш, мослашувчан тариф сиёсатини қўллаш, тармоқнинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш, логистика хизматларини такомиллаштириш ва ҳар хил транспорт турлари ўртасида ўзаро ҳамкорликни рационаллаштириш йўли билан Ўзбекистон Республикасининг темир йўл тармоғини жадал ривожлантириш учун зарур

шарт-шароитлар яратиш …”[1] вазифалари белгилаб қўйилган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда саралаш станцияларининг тепаликларини энг мақбул баландликларини танлаш, вагонларни “турган вагон гуруҳларига” бориб урилиш тезликларини белгиланган меъёрини таъминлаш усулини ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг “Темир йўл транспорти тўғрисида”ги Қонунида (1999 й.), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 декабрдаги ПҚ-3422 сон “Транспорт инфратузилмасини такомиллаштириш ва юк ташишнинг ташқи савдо йўналишларини диверсификациялаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорида, 2019 йил 1февралдаги “Транспорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5647-сон Фармонида ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишига: VI. “Технологик жараёнларни комплекс механизациялаштириш ва автоматлаштириш” устувор йўналишига мос келади.

Муаммони ўрганилганлик даражаси. Саралаш станцияларини ривожлантириш ва ишини такомиллаштириш бўйича назарий ва амалий тадқиқотлар етакчи мамлакатларнинг илмий марказлари, университет ва илмий-тадқиқот институтларида, жумладан: University of Baltimore (АҚШ), Technische Universität Berlin (Германия), Swedish national Railway Administration (Швеция), Петербург давлат темир йўл университети (Россия), Россия транспорт университети (Россия), Украина давлат темир йўл транспорт университети (Украина), Тошкент темир йўл муҳандислари институти (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Саралаш тепалигининг қиялигида вагоннинг думалаш динамикаси бўйича жаҳондаги йирик тадқиқотчилар, жумладан В.Н. Образцов, Н.И. Федотов, И.Е. Савченко, С.В. Земблинов, В.М. Рудановский, И.П. Старшов, А.М. Устенко, Б.А. Родимов, Ю.А. Муха, Ю.И. Ефименко, С.А. Бессоненко, С.Н. Шмаль, J. Prokop, Sh. Myojin, C. Zhang, Y. Wei, G. Xiao, Z. Wang, C.T. Dick, J.R. Dirnberger ва бошқалар томонидан илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган. Вагонни думалаш тезлигини ҳисоблашнинг такомиллашган усулни қўллаган ҳолда, саралаш тепалигидаги тўхтатиш жойларида вагоннинг сирпаниш тезлигини аниқлаш тадқиқот натижалари - Х.Т. Туранов, Е.Н. Тимухина, С.А. Ситников, Л.А. Рыкова, А.А. Гордиенко, А.В. Мягкова ва бошқалар томонидан келтирилган. Юртимизда поездлар ҳаракатини ташкил

[1]Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2декабрдаги ПҚ-3422 сон “Транспорт инфратузилмасини такомиллаштириш ва юк ташишнинг ташқи савдо йўналишларини диверсификациялаш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Қарори.

этишда техник-технологик ечимлар, саралаш станциялари иш кўрсаткичларини яхшилаш ва вагонларни қайта ишлаш технологик жараёнларини оптималлаштиришга қаратилган тадқиқотлар М.Х. Расулов, Н.Н. Ибрагимов, Р.З. Нурмухамедов, А.Ш. Шорустамов, К.Т. Худайберганов, С.К. Худайберганов, М.А. Ходжимухаметова, Ш.М. Суюнбаев, А.А. Светашев, У.Н. Ибрагимов, Ж.Р. Кабулов, К.А. Журабаев, Д.И. Илесалиев, Д.Б. Бутунов ва бошқалар томонидан олиб борилган.

Бироқ, саралаш станцияларининг тепаликлари тўхтатиш жойларида якка вагоннинг тезлиги, юриш йўли узунлиги ва вақтини ҳисоблаш усулларини такомиллаштириш бўйича бажарилган тадқиқотлар етарли даражада ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий ўқув муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқотлари Тошкент темир йўл муҳандислари институтининг №ЁБВ-Атех-2018-223-сон «Пакетланган юкларни ташишни ташкил этишнинг услубиётини ишлаб чиқиш» (2018-2020) мавзусидаги ёш олимлар давлат грант режасига киритилган лойиҳа доирасида амалга оширилди.

Тадқиқот мақсади бўйлама йўналишда кичик тезликдаги шамол таъсирида саралаш тепалигининг тўхтатиш жойларида якка вагоннинг тезлиги, юриш йўли узунлиги ва вақтини ҳисоблаш усулларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

“вагон-йўл” тизимига кичик қийматдаги бўйлама шамол таъсирида, тўхтатиш жойига эга участкаларда якка вагоннинг ҳаракатида ва тормозлашдан кейинги ҳаракатида, “вагон-йўл” механик тизимининг соддалаштирилган ҳисобий схемасини ишлаб чиқиш;

тормозлашдан кейин тўхтатиш жойига эга участкадаги якка вагоннинг ҳаракатида “вагон-йўл” тизимининг соддалаштирилган математик моделини ишлаб чиқиш;

“вагон-йўл” тизимида ўзининг ўрнига эга бўлган, тормозлашдан кейинги участкада ва тўхтатиш жойига эга участкада кучларнинг боғлиқлик ифодаларини тузиш;

кичик қийматдаги бўйлама шамол таъсирида, тўхтатиш жойига эга участкаларда вагоннинг ҳаракат кўрсаткичларини ҳисоблаш имконини берувчи дастур ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти сифатида саралаш тепалигидаги тушиш қисмининг тўхтатиш жойига эга участкалари олинган.

Тадқиқот предмети саралаш тепалигидаги тушиш қисмининг тўхтатиш жойига эга участкаларида вагон тўхташининг асосий кўрсаткичларини ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Саралаш тепалигининг тушиш қисми баландлигини ҳисоблашга бағишланган адабиётлар манбаларининг таҳлили тадқиқотнинг методологик асоси ҳисобланади.

Ушбу ишда бажарилган назарий тадқиқотлар ва ҳисоб ишлари механиканинг асосий қоидаларига (алоқалардан ҳоли бўлиш тамойили, Кулон қонунлари, координата шаклдаги Даламбер тамойили, дифференциал ва интеграл ҳисобларнинг умумий тушунчаси) асосланган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

“вагон-йўл” тизимига бўйлама шамол таъсирида, тўхтатиш жойига эга участкада якка вагоннинг тормозланиш вақтида ва тормозланишдан кейинги ҳаракатида вагоннинг думалаш, “вагон-йўл” механик тизимининг соддалаштирилган ҳисобий схемалари ишлаб чиқилган;

тўхтатиш жойига эга участкасида тормозлашдан аввал ва кейин, якка вагоннинг ҳаракатида “вагон-йўл” механик тизимидаги кучларнинг боғлиқлик ифодалари тузилган;

“силжитувчи” ва “тутиб турувчи” кучларнинг қиймати бўйича, тўхтатиш жойига эга участкаларда вагон секинланиш ва тезланиш билан ҳаракатланганда, Даламбер тамойилига асосан вагоннинг чизиқли тезланишини ҳисоблаш услуби ишлаб чиқилган;

тўхтатиш жойларига эга участкаларида якка вагоннинг тормозлашдан аввал ва кейинги ҳаракатидаги вагоннинг тормозлаш йўли ва сирпаниш тезлигининг график боғлиқлиги қурилган;

айланувчи массаларнинг инерциясини ҳисобга олган ҳолда, тормозлашдан кейинги тўхтатиш жойининг қолган участкасида вагоннинг думалаш тезлиги ва ҳаракатланиш вақтини аниқлаш услуби яратилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

диссертация ишида таклиф этилган, тормозлашдан кейинги участкаларда вагоннинг думалаш тезлиги ва вақти, шунингдек тўхтатиш жойига эга участкаларида, вагоннинг тормозлаш вақти, йўли ва сирпаниш тезлигини ҳисоблашнинг аниқлаштирилган услуби ишлаб чиқилган;

бажарилган тадқиқот натижаларини, саралаш тепалигининг чўққисидан ҳисобий нуқтагача бўлган параметрларини ҳисоблаш учун, меъёрий-техник ҳужжатларда, илмий-тадқиқот ишларда ва лойиҳалаш ишларида қўллаш тартиби келтирилган;

саралаш тепалигининг тушиш қисмини ҳисоблаш ва лойиҳалаш алгоритмлари ва уларнинг дастурий таъминоти ҳамда улардан фойдаланиш йўл-йўриқлари ишлаб чиқилган;

вагонларнинг вақт меъёридан кўпроқ туриб қолишини ва вагонларни улагичларини таъмирлаш ҳаражатларини камайтириш ҳисобига олинган иқтисодий самарадорликни аниқлаш тавсиялари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, ўтказилган тадқиқотда замонавий услуб ва усуллардан фойдаланганлиги, Кулон қонунлари, координата шаклдаги Даламбер тамойили, дифференциал ва интеграл ҳисоблари асосида назарий тадқиқотлар олиб борилганлиги, саралаш тепалигининг тушиш қисмидан вагонларни тарқатиш, “вагон-йўл” тизимининг ҳисобий моделини тузишнинг маълум бўлган

тамойилларга тадқиқот натижаларининг амалиётга мувофиқлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тўхтатиш жойига эга участкаларида вагоннинг тормозлаш йўлини, тезлигини ва ҳаракатланиш вақтини ҳисоблашнинг таклиф этилган услуби шунингдек саралаш тепалигининг тушиш қисмида вагонни думалаш динамикасининг истиқболдаги ривожланиши ҳисобланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти бажарилган тадқиқот натижаларини, саралаш тепалигининг чўққисидан ҳисобий нуқтагача бўлган параметрларини ҳисоблаш учун, меъёрий-техник хужжатларда, илмий тадқиқот ишларда ва темир йўл транспорти олийгоҳларининг ўқув қўлланмаларида қўллаш имконияти мавжудлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши: Бўйлама йўналишда кичик тезликдаги шамол таъсирида саралаш тепалиги тормоз позицияларининг участкаларини ҳисоблаш услубини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Саралаш тепалигининг тушиш қисмини ҳисоблаш ва лойиҳалашга доир тузилган алгоритмлар ва дастурий таъминот ҳамда улардан фойдаланиш бўйича ишлаб чиқилган йўл-йўриқлари “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ тасарруфидаги “Тоштемирйўллойиҳа” МЧЖ ташкилотида жорий этиш учун қабул қилинган (“Ўзбекистон темир йўллари” АЖнинг 2020 йил 2 мартдаги 01/876-20-сон маълумотнома). Жорий қилинган натижалар саралаш станцияларида вагонларни юқори тезликда ҳаракатланиб “турган вагон гуруҳига” урилиш тезлигини 2,5 бараварга камайтиришга хизмат қилади;

Бўйлама йўналишда кичик тезликдаги шамол таъсирида саралаш тепалигининг тўхтатиш жойларида якка вагоннинг тезлиги, юриш йўли узунлиги ва вақтини ҳисоблашнинг янги усули “Боштранслойиҳа” АЖ мутахассислари томонидан жорий этиш учун қабул қилинган (“Ўзбекистон темир йўллари” АЖнинг 2020 йил 2 мартдаги 01/876-20-сон маълумотнома).Олинган натижалар вагон тезликларини меъёрга мос бўлиши ҳамда вагонларни бир бирига улагичларини таъмирлаш ҳаражатларини сезиларли даражада камайтириш имконини берган. Бундан ташқари, янги ишлаб чиқилган услуб, ҳисобланган саралаш тепалигининг мақбул баландлиги, яхши югуракли вагон ёмон югуракли вагонларни қувиб етиб олиш каби жараёнларини олдини олиш ва қўшимча манёвр ишларидан сақлаш имконини беради;

Саралаш тепалигининг тушиш қисмини ҳисоблаш ва лойиҳалашга доир тузилган алгоритмлар ва дастурий таъминот ҳамда улардан фойдаланиш бўйича ишлаб чиқилган йўл-йўриқлари “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ тасарруфидаги “Тоштемирйўллойиҳа” МЧЖ ташкилотида жорий қилинган (“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ нинг 2020 йил 2 мартдаги 01/876-20-сон маълумотнома).Тадқиқот натижаларига кўра,ушбу дастурдан фойдаланган

ҳолда, саралаш тепалигининг тўхтатиш жойларида вагоннинг тезлиги, босиб ўтган йўл узунлиги ва тормозланиш вақтини ҳисоблашга эришилган.

Тадқиқот натижаларини апробацияси. Тадқиқот натижалари 10 та илмий-амалий анжуманлар, шу жумладан 3 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманларида апробациядан ўтган ва кафедранинг кенгайтирилган йиғилишида баён этилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 22 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан 4 таси хорижий ва 4 таси маҳаллий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 118 бет.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги кўрсатилган, ишнинг мақсади шакиллантирилган ва тадқиқотчи томонидан ечиладиган масалалар белгиланган. Бундан ташқари ишнинг илмий ва амалий аҳамияти асослаб берилган.

Биринчи “Саралаш тепалигининг тушиш қисмини ҳисоблаш ва лойиҳалаш услубиётининг замонавий ҳолати” бобида мавжуд усул билан саралаш тепалигининг баландлигини ҳисоблаш бўйича адабиёт манбалари таҳлил қилинган, диссертация тадқиқотининг мақсад ва вазифалари шакллантирилган.

Саралаш тепалигининг қиялиги бўйлаб вагоннинг думалаш динамикаси бўйича бажарилган ишларнинг таҳлил натижалари, мавжуд усулга мувофиқ жисмга эркин тушишнинг бир хил тезланиши таъсир этиши кўрсатилган: ҳам вертикал бўйича тушишда, ҳам қия текисликда ҳаракатланишида. Бунда вертикал бўйича эркин тушиш жисмнинг тезланиши g ва қия текислик бўйича жисмнинг чизиқли тезланиши a – маъноси ҳар хил бўлган физик тушунчалар эканлигига эътибор берилмаган. Шунингдек мавжуд усулга мувофиқ тепаликнинг қиялиги бўйича ҳаракатланаётган вагоннинг чизиқли тезланиши, тадқиқ этилаётган участкага боғлиқ ҳолда, тенг тезлашган ёки тенг секинлашган бўлиши мумкин, яъни $a>0$ ёки $a< 0$. Кўриниб турибдики, саралаш тепалигининг баландлигини ҳисоблаш бўйича мавжуд услубининг бажарилган таҳлили, маъноси бўйича ҳар хил бўлган тепаликнинг қиялиги бўйича жисмнинг эркин тушиш тезланиши ва чизиқли тезланиш, физик тушунчаларини фаркланманлигини кўрсатди.

Шунингдек, вагоннинг думалаш динамикасига бағишланган тадқиқотларнинг таҳлили, мавжуд усулда саралаш тепалиги баландлигини ҳисоблашга бағишланган кўп сонли ишларга қарамай бўйлама шамол таъсирида тепаликнинг тўхтатиш жойига эга участкаларида вагоннинг вақти, тезлиги ва тормозлаш йўлини ҳисоблаш усули ҳозиргача

ўрганилмаганлигини кўрсатади. Бундан ташқари тепаликдаги тўхтатиш жойидан кейинги участкага вагоннинг кириш тезлигини аниқлаш тадқиқот этилмаганлиги бўйича қолмоқда.

Иккинчи “Тўхтатиш жойига эга участкаларда вагоннинг думалаш динамикасини тадқиқ қилиш ва уларнинг математик моделлари” бобида саралаш тепалигининг қиялигидаги биринчи тўхтатиш жойига эга участкасида вагоннинг секинланиш билан ҳаракатини математик моделлаштириш натижалари келтирилган бўлиб, бунинг натижасида вагоннинг тормозланишдаги тезланишини аниқлаш бўйича, содда кўринишдаги аналитик формуласи топилди. Тепаликнинг ушбу участкасидаги вагоннинг тезланиши, “вагон – йўл” тизимига таъсир этувчи барча кучларга (шамол таъсири, сирпанишдаги ишқаланиш, атроф – муҳит қаршилиги, қор, қиров) ва айланувчи массаларнинг (ғилдирак жуфтликларининг) инерциясини ҳисобга олмаган ҳолдаги юкли (ёки юксиз) вагоннинг массасига боғлиқ бўлиши аниқланди. Вагоннинг тормозланиш йўли, сирпаниш тезлиги ва чизиқли тезланишнинг қийматлари бўйича кўриб чиқилаётган участкада вагоннинг бошланғич тезлигига кўра тормозланиш вақтининг рационал қиймати аниқланди.

Диссертацияда қуйидаги дастлабки шартлар ва масаланинг шартлари қабул қилинган. Саралаш тепалигининг биринчи тўхтатиш жойига эга участкасида, тормозланиш ҳолатидаги ғилдирак жуфтликларининг илгарланма ҳаракатини ҳисобга олган ҳолда, саралаш тепалигининг қиялик қисмидан, вагон берилган бошланғич v_{03} (мисол учун 21,5 – 22,4 км/с ёки 5,967 – 6,211 м/с) тезлик билан тўғри чизиқ бўйлаб думалаш ҳолати кўриб чиқилган. Якка вагон саралаш тепалигининг қиялиги бўйлаб думалаётган вақтда, юкли ёки юксиз вагоннинг оғирлик кучи - $\overline{G}$ ва аэродинамик қаршиликларнинг кучлари $\overline{F}_{гв}$ (бу ерда $(\overline{F}_{гвх}, \overline{F}_{гву}) \in \overline{F}_{гв}$) кўринишдаги, асосан ташқи куч таъсирини вагон ўзида синайди. Вагон $v_e = v$ кўчма тезлик билан, вагон билан боғлиқ бўлган Ox_1yz ҳаракат координата системасига нисбатан саралаш тепалигидан тенг секинлашган тўғри чизиқли ҳаракат бажариши керак.



1-Расм. Тепаликнинг тўхтатиш жойига эга участкасида бўйлама шамол ва вагон тезлигининг вектор диаграммаси

1 расмда белгиланган: O – вагонга қатъий боғлиқ бўлган Ox_1yz координата ҳаракат системасининг бошланиши; Ox – горизонтал бўйича ўқ; ψ_{03} – тепаликнинг биринчи тўхтатиш жойи (келгусида 1ТЖ қўлланилган)

участканинг нишаблик бурчаги; H, V ва W – горизонтал, вертикал ва фронтал текисликлар; $\bar{v}_{r\text{в}}$ – Ox_1yz ҳисобнинг ҳаракат системасига нисбатан (вагон) шамолнинг нисбий тезлиги; λ – вагоннинг бўйлама ўқига нисбатан шамолни нисбий тезлиги векторнинг йўналтирувчи бурчаги; $\bar{v}_{a.\text{в}}$ – шамолнинг мутлоқ тезлиги бўлиб, қийин ҳаракатда тезликларнинг йиғиндисини олиш теоремасига мувофиқ топилади: $\bar{v}_{a.\text{в}} = \bar{v}_e + \bar{v}_r = \bar{v} + \bar{v}_r$, бу ерда $\bar{v}_e = \bar{v}$ - кўчма тезлик (вагон тезлиги), $\bar{v}_r$ – ҳавонинг нисбий тезлиги; ξ – Ox_1 ўқига нисбатан шамолни мутлоқ тезлиги векторининг йўналтирувчи бурчаги.

Саралаш тепалигини лойиҳалашда, унинг кинематик параметрлари ҳисобланган, горизонталга бўлган узунликнинг проекцияси $l_{\text{г}3}$ ва нишаблик бурчаги ψ_{03} қабул қилинган тавсияга мувофиқ, танлаш йўли билан 12 ‰ дан кам бўлмаган ва 15 ‰ дан кўп бўлмаган қийматлар қабул қилиниши назарда тутилган. Мисол учун, $l_{\text{г}3} \approx (30 – 40)$ м, $\text{tg}\psi_{03} = (0{,}012 – 0{,}015)$ (ёки $\psi_{03} = 0{,}688 – 0{,}859$) град.).

Диссертация ишида, назарий механикадаги алоқалардан ҳоли бўлиш тамойилига мувофиқ ҳолда тузилган саралаш тепалигининг тўхтатиш жойига эга участкасида вагон ҳаракатининг соддалаштирилган ҳисобий модели 2 расмда келтирилган.



2-Расм. Бўйлама шамол таъсирида тўхтатиш жойига эга участкасида вагон ҳаракатининг соддалаштирилган ҳисобий модели.

2 - расмдаги белгиланишлар 1 чи расмдаги каби бўлиб, алоқалар реакциясининг таркибий (рельс чизиғи) бўлган N нормал ва урунмавий $F_{\text{тр}.x}$ бундан мустаснодир. Бунда $N = N_1 + N_2 + N_3 + N_4$ ва $F_{\text{тр}.x} = F_{\text{тр}.x1} + F_{\text{тр}.x2} + F_{\text{тр}.x3} + F_{\text{тр}.x4}$ параллел кучлар сифатида кўрсатилган. Бунда, ишқаланиш кучи $F_{\text{тр}.x}$ (кейинчалик $F_{\text{тр}.x1}$) Ox_1 ўқи бўйича йўналтирилган (2 расм қаранг.). Бу ерда $F_{\text{тр}.x1}$ вагонни ёнбош томонидан бўйлама шамол кучининг проекцияси (ушбу таъсирни ҳисобга олган ҳолда) $F_{\text{гв}.y} = F_{\text{гв.б}}$ ни таъсири натижасидаги, рельс чизиғини думаланиш (ғилдираниш) юзасига ғилдиракнинг сирпанишдаги ишқаланиши $F_{\text{тр.ск}}$ ни ва ғилдирак гардишининг рель чизиғи ёнбош юзаси бўйлаб ишқаланишдаги сирпаниши $F_{\text{тр.б}}$. ни, шунингдек вагон секинлатгичнинг сиқилган тормоз шиналарига ғилдирак халқасининг ишқаланиши $F_{\text{торм}}$ ни инобатга олган, яъни $F_{\text{тр}.x1} = F_{\tau} + F_{\text{торм}}$, бунда $F_{\tau} = F_{\text{тр.ск}} + F_{\text{тр.б}}$ бўлишини ҳисоблаб олган ҳолда. Акс ҳолда, $F_{\text{тр}.x1} = F_{\text{тр.ск}} + F_{\text{тр.б}}. + F_{\text{торм}}.$.

Диссертация ишида тўхтатиш жойига эга участкасида кучлар мутаносиблигини қуйидаги кетма – кетликда топилади.

1. Вагонларнинг оралиқ – мўлжалли тезлигини ростлашини таъминлаш мақсадида, ғилдиракларнинг тормозланиши содир бўлади. Тормозланиш вақтида юзага келадиган, вагон секинлатгичининг сиқилган тормоз шиналарига ғилдирак халқасининг сирпанишдаги ишқаланиш кучи ҳисобига ғилдираклар рельс чизиғининг юзаси бўйлаб қисман сирпанишни бошлайди. Бунда пневмотизимидаги сиқилган ҳаво босимининг максимал бўлиши натижасида (0,75 МПа) тормоз кучи $F_{\text{торм}}$ юзага келади, бунинг оқибатида эса вагоннинг ҳаракатига қаршилик кучи $F_{\text{тр}.x1}$ ҳам юзага келади.

2. Умумий ҳолатда, тормозланиш билан тўхтатиш жойига эга участкасида ҳаракатланадиган вагонга бўлган қаршилик кучи $F_{\text{тр}.x1}$ қуйидагича топилади:

$$F_{\text{тр}.x1} = F_{\tau} + F_{\text{торм.}}, \text{ кН} \qquad (1)$$

бу ерда F_{τ} – алоқалар (рельс чизиғи) реакциясини урунмавий ташкил этувчиси бўлиб, Кулон қонунига мувофиқ $F_{\tau} = f_{\text{ск}}N$ га тенг. Бу ерда $f_{\text{ск}}$ – рельс чизиғининг ғилдираниш юзасига ғилдиракнинг думаланиш юзасига бўлган сирпанишидаги ишқаланиш коэффиценти (“металл бўйича” – $f_{\text{ск}} = 0{,}15 \div 0{,}4$); N – алоқалар реакциясини нормал ташкил этувчиси бўлиб, ҳар бир буксанинг тугунига тўғри келувчи, модул бўйича вертикал ўқига барча фаол кучларнинг проекциясини йиғиндисига тенг. Бунда $N = F_z = G_z + F_{\text{г}в.z} = G\cos\psi_{03} + F_{\text{г}в.x}\sin\psi_{03}$. Бу ерда $F_{\text{г}в.z} = F_{\text{г}в.x}\sin\psi_{03}$ вертикал бўйича (яъни Oz ўқи бўйича (2 расм қаранг) йўналтирилган бўйлама шамол кучининг проекцияси $F_{\text{г}в.x}$ дир. Шунинг учун ушбу кучни рельс чизиғига босим кўрсатувчи кучлар сонига киритиш мумкин;

$F_{\text{торм.}} = f_{\text{тп}}F_{\text{тк}}$ – вагон секинлатгичнинг сиқилган тормоз шиналари ва ғилдирак жуфтлигининг халқаси орасида ҳосил бўлувчи ишқаланиш кучи, бу ерда $f_{\text{тп}} = 0{,}14 \div 0{,}4$ – секинлатгич балкасидаги тормоз шиналарига ғилдирак халқасининг сирпанишнинг ишқаланиш коэффиценти.

3. $F_{\tau} = f_{\text{ск}}(G\cos\psi_{03} + F_{\text{г}в.x}\sin\psi_{03})$ ни ҳисобга олган ҳолда, (1) ифодасини қайта ёзиш натижасида, тормозлаш кучининг ифодаси – $F_{\text{тр}.x}$ топилади. Бу куч, тормоз шиналарига нисбатан ғилдирак жуфтлигининг соф сирпаниш ҳолати учун вагонни секинланган ҳаракатига сабаб бўлиб, қуйидагича кўринишда бўлади:

$$F_{\text{тр}.x1} = F_{\text{тр.ск}} + F_{\text{торм.}} + F_{\text{тр.ск0}}, \text{ кН} \qquad (2)$$

бу ерда $F_{\text{тр.ск}}$ – вагон ғилдирак жуфтлигининг думаланиш (ғилдираниш) юзасининг рельс чизиғининг ғилдираниш юзасига сирпанишдаги ишқаланиш кучи

$$F_{\text{тр.ск}} = f_{\text{ск}}\left(G\cos(\psi_{03}) + F_{\text{г}вx}\sin(\psi_{03})\right), \text{ кН} \qquad (3)$$

бу ерда $F_{\text{г}в.x}$ – Ox бўйлама ўқи бўйича, бўйлама шамолни вагонга таъсир кучининг проекцияси ($A_{\text{т}} = 6{,}384$ м^2 да $F_{\text{г}в.x} = 3{,}192$ кН – юкли вагонни этак томонининг юзаси). Ишда белгилаб қўйилдики, вертикалга бўйлама шамол кучининг проекциясидан $F_{\text{г}в.z} = F_{\text{г}в.x}\sin\psi_{03}$ келиб чиқган ишқаланиш кучи $f_{\text{ск}}F_{\text{г}в.x}\sin\psi_{03}$ нинг қиймати жуда кичик, бор йўғи 0,0089 кН бўлганлиги

сабабли инобатга олинмаса ҳам бўлади. Чунки $f_{ск} = 0{,}2$, $F_{гв.х} = 3{,}192$ кН, $\sin\psi_{03} = 0{,}014$;

$F_{тр.ск0}$ – ғилдирак гардишининг рельс чизиғини ёнбош юзасига сирпанишидаги ишқаланиш кучи:

$$F_{тр.ск0} = f_{ск0} F_{гвб}., \text{ кН} \quad (4)$$

бундаги $f_{ск0}$ – ғилдирак гардишининг рельс чизиғини ёнбош юзасига бўлган сирпанишдаги ишқаланиш кучи эканлигини ҳисобга олган ҳолда (одатда $f_{ск0} = 0{,}25$ қабул қилинади); $F_{гвб} = F_{гв.\,у}$ – вагонни ёнбош томонига бўйлама шамол таъсири кучининг проекцияси ($A_б = 27{,}36$ м^2 да $F_{гвб} = F_{гв.\,у} = 13{,}68$ кН юкли вагоннинг ёнбош юзасининг майдони).

4. “силжитувчи” ва “тутиб турувчи” куч тушунчасини қўллаган ҳолда, тўхтатиш жойига эга участкасида думалаётган вагонга таъсир этувчи барча кучлар ҳисобланади, кН:

- $F_{сд.х1}$ “силжитувчи” кучлар (яъни юкли вагонни оғирлик кучининг проекцияси ($G_{х1} = G\sin\psi_{03}$) ва вагонни думалаш йўналишига (яъни Ox_1 ўқи бўйича) бўйлама шамолни аэродинамик қаршилигининг кучлари ($F_{гв.х1} = F_{гв.х}\cos\psi_{03}$)):

$$F_{сд.х1} = G\sin(\psi_{03}) + F_{гвх}\cos(\psi_{03}) \text{ ; кН} \quad (5)$$

- “тутиб турувчи” $F_{уд.х1}$ кучлар яъни, вагоннинг этак юзасига бўйлама шамол таъсир кучи кўринишидаги вагоннинг ҳаракатига қаршилик кучи $F_{гв.х}$, вагонни ёнбош томонидан шамол таъсири $F_{тр.б}$ ни ҳисобга олгандаги ғилдирак жуфтлигининг сирпанишдаги ишқаланиш кучи $F_{тр.ск}$, вагон секинлатгичнинг тормозлаш кучи $F_{торм}$ ва ҳаракатга бўлган турли ҳил қаршилик кучлари $F_с$:

$$F_{уд.х1} = F_{тр.х1} + F_{с.}, \text{ кН} \quad (6)$$

бу ерда $F_{тр.х1}$ – сирпанишдаги ишқаланиш кучи (бу асосий қаршилик);

$F_{с.}$ – қуйидаги кўринишда бўлган турли ҳил турдаги қаршилик кучи:

$$F_{с.} = F_{ср.} + F_{с.и.}, \text{ кН} \quad (7)$$

бунда $F_{ср.}$ ва $F_{с.и.}$ – атроф-муҳитдан, қордан ва қировдан бўлган вагон ҳаракатига қаршилик кучи деб ҳисобланган ҳолда (улар қўшимча қаршиликларни ифодалайди):

$$F_{ср.} = k_{ср.}G;\ F_{с.и.} = k_{с.и.}G., \text{ кН} \quad (8)$$

бу ерда $k_{ср.}$ – атроф-муҳит қаршилигини ҳисобга олган ҳолда G оғирлик кучининг улушини инобатга олувчи коэффициент (бўйлама шамолнинг тезлиги 2 дан 4 м/с гача бўлганда одатда 0,0001÷0,0005 чегарасида бўлади);

$k_{с.и.}$ – вагон ҳаракатига қор ва қировдан бўлган қаршиликларни ҳисобга олганда G оғирлик кучининг улушларини кўрсатувчи коэффициент.

Диссертация ишида $F_{уд.х1}$ кучи қуйидаги кўринишда келтирилган:

$$F_{уд.х1} = f_{ск}\left(G\cos(\psi_{03}) + F_{гвх}\sin(\psi_{03})\right) + F_{торм.} + \\ + (k_{ср.} + k_{с.и.})G + f_{ск0}F_{гвб}., \text{ кН} \quad (9)$$

Аввалги фикрларнинг натижаларини умумлаштирган ва (5), (9) ларни ҳисобга олган ҳолда, бўйлама шамол таъсирида 12 <*i*< 15 ‰ ёки 0,688÷0,859 градус қияликдаги 1ТЖ участкасида (1 расм қаранг.) секинланиш билан вагон ҳаракатининг шарти аниқланди:

$$F_{\text{сд.}x1} << F_{\text{уд.}x1}\cdot, \text{ кН} \qquad (10)$$

(11) ифоданинг шартига риоя этган ҳолда тепаликнинг тўхтатиш жойларида вагоннинг тўлиқ тўхташи юзага келиши мумкин. Бу эса амалиётда ҳам содир бўлиш эҳтимоли катта.

Тўхтатиш жойига эга участкасида вагоннинг кескин секинланишини таъминловчи кучларнинг ифодаси диссертация ишида топилди, яъни

$$\Delta F_{\text{тпl}} = -(F_{\text{сд.}x1} - F_{\text{уд.}x1}) = -F_{03}\cdot, \text{ кН} \qquad (11)$$

(11) ифоданинг таҳлили, тўхтатиш жойига эга участкасида юзага келадиган $\Delta F_{\text{тпl}}$ кучи, “тутиб турувчи” куч бўлиб, бўйлама шамол таъсирида берилган оғирлик *G* кучдаги вагоннинг ҳаракатини кескин секинлашишини ва ҳатто тўхташини таъминловчи куч эканлигини кўрсатади.

Диссертация ишида “вагон-йўл” тизимининг айнан бир хил (ўхшаш) кучларнинг мутаносиблиги, тормозлашдан кейинги қолган участкалардаги (ТҚУ) тўхтатиш жойига эга участкаси учун тақдим этилган.

Диссертацияда секинланиш билан вагон ҳаракатининг соддалаштирилган математик модели қуйидаги кўринишда тақдим этилган.

Тўхтатиш жойига эга участкасида вагоннинг тўғри чизиқли тенг секинлашган ҳаракатида юзага келадиган вагоннинг чизиқли тезланиши, координата шаклдаги Даламбер тамойили асосида аниқланди:

$$a_3 = \frac{|F_{03}|}{M}, \text{ м/с}^2 \qquad (12)$$

бу ерда *M* – айланувчи қисмларнинг массаларини (ғилдирак жуфтликларни) ҳисобга олмаган ҳолда юкли вагон массаси, кг;

$F_{03} = F_{\text{сд.}x1} - F_{\text{уд.}x1}$ – тўхтатиш жойига эга участкасида $F_{\text{сд.}x1}<F_{\text{уд.}x1}$, Н бўлганлиги сабабли, вагоннинг ҳаракатига қаршилик кучи.

(12) ифодани таҳлил қилган ҳолда, берилган участкада вагоннинг чизиқли тезланиши a_3 “вагон-йўл” тизимига таъсир этувчи барча кучларга ($F_{\text{сд.}x1} = f(G)$, $F_{\text{уд.}x1} = f(F_{\text{гв.}x}, F_{\text{тр.}}, F_{\text{с.}}, F_{\text{гв.б}})$ ва ғилдирак жуфтлигининг массасини ҳисобга олмаган ҳолда юкли (ёки юксиз) вагон массасига боғлиқ бўлади, яъни $a_3 = f(M, F_{\text{сд.}x1}, F_{\text{уд.}x1})$.

Тормозлашдаги вагоннинг сирпаниш тезлиги, координата шаклидаги Даламбер тамойили асосида тузилган, тўхтатиш жойи участкасида ҳаракатнинг дифференциал тенгламасини ечиш натижасида топилган (Коши масаласининг бошланғич шартини инобатга олган ҳолда - $t = 0$: $v(0) = v_0$, бу ерда v_0 – тўхтатиш жойи участкасига вагоннинг кириш тезлиги), м/с:

$$v = v_{03} - a_3 t\cdot, \text{ м/с} \qquad (13)$$

(13) - ифода - физиканинг элементар курсидан маълум бўлган тенг секинлашган ҳаракатдаги жисмнинг тезлик формуласи эканлиги аниқдир.

Кўриниб турибдики, t мобайнидаги вақтда вагоннинг тезлиги $v_e(t)$ бошланғич тезлик v_{03} га ва вагоннинг чизиқли тезланиши a_3 га боғлиқ бўлади, яъни $v_e(t) = f(v_{03}, a_3, t)$. Тормозланиш вақти $t_т$ номаълум эканлигини эътиборга оламиз. Шунинг учун $t_т$ ни шундай танлаш лозимки, $t_т > t_{ср}$ бўлиши керак, бу ерда $t_{ср.}$– вагонсекинлатгичнинг ишга тушиш вақти (секинлатгичнинг конструкциясига кўра одатда 0,7 ёки 0,8 с). Шунинг учун (13) бўйича тўхтатиш жойига эга участкасида тормозлашнинг охирида вагоннинг тезлигини $v(t_т)$ бевосита аниқлаш мумкин.

Сўнгра, (13) ифодани вагоннинг секинлашгандаги ҳаракатининг дифференциал тенгламаси кўринишида қайта ёзиш натижасида (Коши масаласининг бошланғич шартини ҳисобга олган ҳолда $t = 0$: $x(0) = 0$), тўхтатиш жойига эга участкасида t вақт давомидаги тормозланиш йўли (юз) узил-кесил топилади:

$$x(t) = v_{03}t - \frac{1}{2}a_3t^2 \cdot, \text{ м} \qquad (14)$$

(14) ифодани таҳлил қилган ҳолда, t вақт мобайнидаги $x(t)$, вагоннинг бошланғич тезлиги v_{03} га ва чизиқли тезланиши a_3 га боғлиқ эканлигига ишонч ҳосил қиламиз, яъни $x(t) = f(v_{03}, a_3, t)$.

Тормозланиш вақти $t_т$ ни $t_т > t_{ср}$ шартга риоя этган ҳолда танлаб олиш усули билан топилганлиги сабабли, бевосита (13) ва (14) ифодалардан, тўхтатиш жойига эга участкасида вагон ҳаракатининг исталган лаҳзасидаги вагоннинг тормозланиш йўли $x(t_т) = l_т$ ва тезлиги $v(t_т)$ аниқланади.

Ушбу тарзда, координата шаклдаги Даламбер тамойилини, ўзгарувчиларни ажратиш усулини ва оддий интеграл жадвалларини қўллаш билан, t вақт мобайнида вагоннинг чизиқли тезланиши a_3 ни, унинг тўхтатиш жойига эга участкасидаги тезлиги $v_e(t)$ ни ва тормозланиш йўли $x(t)$ ни аниқлаш учун якуний аналитик формулалари топилди. Шунингдек вагонни тормозланиш вақти $t_т$ нинг қабул қилинган қиймати бўйича, тормозланиш йўли $x(t_т) = l_т$ ни ва тезлиги аниқлаш мумкинлиги аҳамиятга олинди.

(13) ва (14) бўйича t вақтини вариациялаш ва уларни бирлаштирган ҳолда, тузилган $v_e(t)$ ва $x(t)$ график боғлиқлиги орқали, $t_{ср}$ ни ҳисобга олган ҳолдаги вагоннинг тормозланиш вақти $t_т$ ни оқилона қийматини топиш мумкинлиги диссертацияда белгилаб қўйилган.

“Тўхтатиш жойига эга участкаларда вагоннинг ҳаракат кўрсаткичлари ҳисобларини аниқлаш” учинчи бобда тўхтатиш жойига эга участкаларида вагоннинг ҳаракатланиш вақти, тезлиги ва тормозланиш йўли ҳисобларининг натижалари келтирилган.

Маълумки (13) чи чизма (график) чизиқли-камаювчи функцияси кўринишида бўлса, (14) чи чизма (график) эса параболик тавсифга эгадир. Мисол учун, 1ТЖ да $v_e(t)$ нинг боғлиқлиги, t = 2,0 с вақт даврида вагон тезлигининг сезиларли камайишини (7,9 м/с дан 2,8 м/с гача, яъни 5,12 м/с га), вагонни ёнбош томонидан бўйлама шамол $v(t_{1т})$ нинг таъсирида ҳам сезиларли камайишини (7,6 дан 2,4 м/с гача, яъни 5,196 га) кўрсатади. Тормозланишдан кейин 1ТЖ участкасида секинланиш билан

ҳаракатланадиган вагон $v(t_{1т})$ тезлигининг ҳисобларини таққослаш таҳлили, ($v(t_{1т})$ = 2,887 ва $v(t_{1т})$ = 2,427 м/с) вагоннинг ёнбош томонидан бўлган бўйлама шамол, вагон ҳаракатига бир мунча аҳамиятсиз таъсир этишини кўрсатди (яъни 0,46 м/с дан кам ёки 1,44 км/с). $x(t)$ график боғлиқлигининг таҳлили ҳам, $t_{1т}$ = 2,0 с вақт даврида вагон $l_{1т}$ = 10,886 м масофани босиб ўтишини, бўйлама шамол проекцияси $F_{гв.б}$ нинг вагонни ёнбош томонига таъсирида эса, босиб ўтилган йўл бир мунча аҳамиятсиз $l_{1т}$ = 10,05 м га камайишини (яъни 0,836 м қийматга) кўрсатди.

Ишда белгиланганки, агар $t_{1т} \geq t_{ср}$ бўлса, шартга риоя этган ҳолда, вагоннинг тормозланиш йўли ва тезлиги қийматларининг бошқа натижалар келиб чиқади. Мисол учун, берилган бошланғич маълумотларида вагон $t_{1т} \leq$ 3,2 с да тўхтатилиши мумкин. Ҳисоблар натижасининг таҳлили, $t_{1т}$ ни 3,2 с гача бўлганда, вагоннинг ҳаракатланиш тезлиги манфий ишорага эга бўлиб, бунда босиб ўтилган йўл деярли ўзгармаганлигини кўрсатди.

Диссертацияда t вақт бўйича вагоннинг тормозланиш йўли $x(t)$ нинг ва ҳаракат тезлиги $v_e(t)$ нинг график боғлиқлигини бирлаштирган ҳолда, мисол учун 1ТЖ участкасида вагонни тормозланиш вақти $t_т$ нинг мақбул қиймати топилди. (3 расм).



3 расм. 1ТЖ участкаси бўйича вагон тезлигининг ва тормозланиш йўлининг биргаликдаги вақтдан бўлган график боғлиқлиги.

3 расмда белгиланган: ve1т(t), ve1т1(t), ve1т2(t) ва x1т(t), x01т(t), x02т(t) – 1ТЖ участкасида t вақтининг исталган лаҳзасидаги вагоннинг тормозланиш йўли $x(t)$ ва тезлиги $v(t)$ мувофиқ равишда, фақат атроф-муҳит қаршилиги кучи F_c ни таъсирида вагоннинг ёнбош томонига бўлган шамол проекцияси $F_{гв.б}$ нинг таъсирини ҳисобга олган ҳолдаги, атроф-муҳитнинг қаршилик кучи F_c ни таъсирида ва тепаликнинг иккинчи тезланиш участкасида вагоннинг якуний (сўнгги) тезлигини ҳисобга олгандаги, F_c ва $F_{гв.б}$ кучларнинг бир вақтдаги таъсирида, м/с.

3 расмдаги график боғлиқликнинг таҳлили $t_т$ = 0,84 с да $v(t_т)$ = 5,852 ва $x(t_т) = l_т$ = 5,817 қийматлари деярли мос келишини кўрсатади. Шундай қилиб, агар вагон секинлатгичининг конструкциясига кўра унинг ҳаракатга келиш вақти мисол учун, $t_{ср}$ = 0,8 с бўлса, уни юргизиш ондан тормозланиш вақти $t_{зат} = t_{ср} + t_т$ = 0,8 + 0,84 = 1,6 с га тенг бўлади.

Диссертацияда ўхшаш натижалар, иккинчи ва паркли механизациялашган тўхтатиш жойи (2ТЖ ва 3ТЖ) учун олинган.

Тўртинчи “Саралаш тепалиги тушиш қисмида вагон ҳаракатини бошқариш бўйича тавсияларни ишлаб чиқиш” бобида саралаш тепалигининг тушиш қисмидаги тўхтатиш жойига эга барча участкаларида вагон ҳаракатининг тадқиқот натижалари келтирилган.

Диссертацияда MathCAD дастуридан олинган, вагоннинг ғилдирак базаси узунлигига вагонни киришини ҳисобга олган ҳолда, тормозланиш билан, тўхтатиш жойига эга биринчи, иккинчи ва учинчи участкаларида (кейинчалик – 1ТЖ, 2ТЖ ва 3ТЖ) вагоннинг ҳаракат тезлиги ва босиб ўтилган масофаси ҳисобларининг натижалари баён этилган. Мисол учун, турли қаршиликлар (атороф-муҳит, стрелка, эгрилик, қор ва қиров) F_c ни ҳисобга олган ҳолда, кичик қийматдаги кўнгдаланг шамол кучи проекцияси $F_{гвх}$ нинг таъсирида, саралаш тепалигининг тушиш қисми узунлиги l_j бўйича вагон тезланиши a_k ни ўзгаришининг график боғлиқлиги тузилди (4 расм).



4 расм. F_c кучини ҳисобга олгандаги $a_k = f(l_j)$ нинг график ўзгариши

Бу ерда ва кейинчаликдаги белгилар: ТЧ – тепалик чўққиси; ТУ1 ва ТУ2 – тепаликнинг биринчи ва иккинчи тезланиш участкалари; 1ТЖ, 2ТЖ ва 3ТЖ – тепаликнинг биринчи, иккинчи ва учинчи тўхтатиш жойлари; ОУ – тепаликнинг оралиқ участкаси; СЗ – тепаликнинг стрелкали зонаси; СЙ1, СЙ2 – саралаш йўлининг биринчи ва иккинчи участкалари; С – ажратувчи стрелкали ўтказгич (стрелка); С1, С2 ва С3 – биринчи, иккинчи ва учинчи стрелкалар; ҒБ – вагоннинг ғилдирак базаси узунлигини ҳисобга олувчи ҳолат; ТЗ – вагоннинг тормозлаш зонаси ва ТҚУ – тўхтатиш жойининг қолган участкалари; ТБЗ – саралаш паркининг тормоз башмакларини ўрнатиш зонаси ва ҲН– ҳисобий нуқта; саралаш тепалигининг тушиш қисмидан тўхтатиш жойларининг барча зоналари пунктир билан белгиланган.

4 расмдан аниқ бўлдики, чизиқли тезланишнинг қийматлари манфий ишорага эга бўлган тормозлаш зоналарида (ТЗ), вагон тенг секинлашган ҳолатда ҳаракатланса, тўхтатиш жойининг қолган участкаларида (ТҚУ) тормозлашдан кейин тенг тезлашган ҳолатда ҳаракатланади.

Шунингдек ишда $t_k = f(l_j)$ (5 расм) ва $v_k = f(l_j)$ (6 расм) график боғлиқликлари тузилди.



5 расм. $F_{c.}$ кучини ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда $t_k = f(l_j)$ нинг графикли ўзгариши

5 расмнинг таҳлили, агар ЗТ да тормозлаш вақти секинлик билан ортса, бунда тормозлашдан кейин ОТ участкаларида вагоннинг ҳаракат вақтини сезиларли кўпайишини кўрсатади.



6 расм. $F_{c.}$ кучини ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда $v_k = f(l_j)$ нинг графикли ўзгариши

6 расмдан, чизиқли тезланишнинг ишораси манфий бўлганда, тормозлаш зоналарида (ЗТ) вагонни сирпаниш тезлигининг камайиши содир бўлишини (3 расмга қаранг), тормозлашдан кейин (ОТ) участкаларида эса вагонни думалаш тезлигининг сезиларли кўпайиши аниқ бўлди.

Хулоса

Бажарилган тадқиқотлар натижасида саралаш тепалигининг тушиш қисмини ҳисоблаш ва лойиҳалашнинг соддалаштирилган ёндошуви ишлаб чиқилган.

Мазкур ишда илк маротаба қуйидаги натижалар олинган.

1. Мавжуд усулда саралаш тепалигининг баландлигини ҳисоблаш натижаларининг таҳлили, тўхтатиш жойига эга участкаларидаги вагоннинг тенг секинлашган ҳаракатида, рельс чизиғининг думаланиш юзаси бўйлаб ғилдирак жуфтлигининг фақат сирпаниши содир бўлганлиги сабабли, чизиқли тезланишни айланувчи қисмларининг массасини ҳисобга олган ҳолда аниқлаб бўлмасликни имконини берди. Бу эса, кичик қийматдаги бўйлама шамол таъсирида саралаш тепаликнинг тўхтатиш жойига эга участкаларида вагоннинг чизиқли тезланишини, сирпаниш тезлигини, тормозланиш вақти ва йўлини аниқлаш масаласи ҳали ҳанузгача ечилмаганлигини белгилаш имконини беради. Шунингдек, тўхтатиш жойига

эга участкасида тормозлашдан кейин, вагоннинг думалаш тезлигини аниқлаш усули ҳам мавжуд эмас.

2. Вагон ғилдирак жуфтлигининг сирпанишдаги ишқаланишини ҳисобга олувчи, бўйлама шамол кучининг таъсирида саралаш тепалигининг тўхтатиш жойига эга участкаларидаги “вагон-йўл” тизимига таъсир этувчи кучларнинг соддалаштирилган моделини тузишга ёрдам берувчи, бўйлама шамолнинг ва вагон тезлигининг вектор диаграммаси тузилган.

3. Саралаш тепалигини ҳисоблаш ва лойиҳалашнинг аввал маълум бўлмаган соддалаштирилган ёндошуви ишлаб чиқилган. Ушбу ёндошувнинг моҳияти шундан иборатки, вагоннинг чизиқли (тенг тезлашган ёки тенг секинлашган) тезланиши a, координата шаклдаги Даламбер тамойили ва “вагон-йўл” механик тизимининг кучлар мутаносиблиги асосида аниқланган.

4. Вагон ғилдирак базасининг узунлигида тенг тезлашган ҳаракатдаги вагоннинг чизиқли тезланиши, бошланғич тезликнинг, тезланишнинг ва тўхтатиш жойига эга участка узунлигининг қийматлари бўйича вагоннинг ҳаракатланиш вақтини аниқлаш имконини берди.

5. Вагоннинг тормозланишида тенг секинлашган ҳаракатидаги чизиқли тезланиши, бошланғич тезликга (тормозлаш участкасига вагоннинг кириш тезлиги), вагоннинг секинлашган ҳаракатидаги чизиқли тезланишига ва вагон секинлатгичнинг тормозланиш вақтига боғлиқ ҳолда вагоннинг тормозланиш йўлини ва тезлигини аниқлаш имконини берди, яъни $v = f(v_{03},a,t_т)$ ва $l_т = f(v_{03},a,t_т)$.

6. Вақт бўйича вагоннинг ҳаракат тезлиги ва тормозланиш йўлининг график боғлиқлигини бирлаштиргандан сўнг, вагоннинг чизиқли тезланиши $a_т$ нинг олинган аналитик формуласи, тепаликнинг тўхтатиш жойига эга участкасида вагоннинг тормозланиш вақтини рационал қийматини аниқлаш имконини берди.

7. Тўхтатиш жойига эга участкасининг қолган узунлигида вагоннинг тенг тезлашган ҳаракатдаги чизиқли тенг тезланиши, бошланғич тезлик $v_{0от}$ нинг, тезланиш $a_т$ нинг ушбу участка узунлигининг қийматлари бўйича вагоннинг ҳаракатланиш вақтини топиш имконини берди.

8. Саралаш тепалигининг тушиш қисмини вариациялаш натижасида тўхтатиш жойига эга участкаларида вагоннинг чизиқли тезланиши $a_k = f(l_j)$ нинг, вақти $t_k = f(l_j)$ нинг ва ҳаракатланиш тезлиги $v_k = f(l_j)$ нинг график боғлиқлиги тузилди.

9. Вагоннинг олд томонидаги ғилдирак жуфтлигини вагон секинлатгичи участкасига бевосита киришини ва вагоннинг ғилдирак базаси узунлигини ҳисобга олган ҳолда, тўхтатиш жойига эга участкаларида вагоннинг ҳаракатланишидаги маълумотлар ҳисобининг кенг тўплами бажарилди. Ушбу ҳисобларда, саралаш тепалигининг тушиш қисмидан вагонни думалаш динамикасини ҳисоблашда соддалаштирилган усулининг асосий қоидалари инобатга олинган. Тадқиқот натижаларини саралаш тепалигининг тушиш қисмини ҳисоблашда ва лойиҳалашда қўллаш мумкин.

10. Таклиф этилаётган янги усул ёрдамида, саралаш тепалигининг исталган нуқтасидан тушаётган якка вагоннинг тезлиги, босиб ўтган йўли ва юриш вақтларини топиш, келгусида саралаш тепалигининг мақбул баландлигини танлашга ёрдам беради. Вагонларни турган вагон гуруҳларига бориб урилиш тезликларини меъёрга келтириш орқали вагон улагичларни таъмирлаш учун кетадиган ҳаражатларни камайтиради, юклар бутлиги ва сифати таъминланади, қўшимча манёвр ишларини қисқартириш орқали умумий йиллик иқтисодий самарадорлик битта саралаш станцияси учун 346 млн сўмни ташкил этади.

НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.15/30.12.2019.T.73.01 ПОПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ИНСТИТУТЕ ИНЖЕНЕРОВ ЖЕЛЕЗНОДОРОЖНОГО ТРАНСПОРТА

ТАШКЕНТСКИЙ ИНСТИТУТ ИНЖЕНЕРОВ ЖЕЛЕЗНОДОРОЖНОГО ТРАНСПОРТА

САИДИВАЛИЕВ ШУХРАТ УМАРХОДЖАЕВИЧ

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕТОДИКИ РАСЧЕТА УЧАСТКОВ ТОРМОЗНЫХ ПОЗИЦИИ СОРТИРОВОЧНОЙ ГОРКИ ПРИ ВОЗДЕЙСТВИИ ПОПУТНОГО ВЕТРА МАЛОЙ ВЕЛИЧИНЫ

05.08.03 – Эксплуатация железнодорожного транспорта

АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ

Ташкент – 2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2019.2.PhD/T1212.

Диссертация выполнена в Ташкентском институте инженеров железнодорожного транспорта.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.tashiit.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель:	**Туранов Хабибулла Туранович** доктор технических наук, профессор
Официальные оппоненты:	**Худайберганов Кобилжон Тахирович** доктор технических наук, профессор
	Махкамов Нурмухаммад Янгибоевич кандидат технических наук, доцент
Ведущая организация:	**Ташкентский институт по проектированию, строительству и эксплуатации автомобильных дорог**

Защита диссертации состоится «09» 07 2020 г. в 15⁰⁰ часов на заседании Научного совета PhD.15/30.12.2019.T.73.01 при Ташкентском институте инженеров железнодорожного транспорта (Адрес: 100167, г Ташкент, ул. Одилхужаев, 1. Тел.: (99871) 299-00-01; факс: (99871) 293-57-54; e-mail: tashiit_rektorat@mail.ru.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского института инженеров железнодорожного транспорта (регистрационный номер - 010). (Адрес: 100167, Ташкент ул. Одилхужаев, 1. Тел.: (99871) 299-05-66.

Автореферат диссертации разослан «03» 07 2020 года.
(протокол рассылки № «011» от «03» 07 2020 года).

А.Э. Адилходжаев
Председатель научного совета
по присуждению учёных степеней,
д.т.н., профессор

Я.О. Рузметов
Ученый секретарь научного совета
по присуждению учёных степеней, к.т.н.

Н.Н. Ибрагимов
Председатель научного семинара
при научном совете по присуждению
учёных степеней, д.т.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Основной задачей сортировочной горки железнодорожных станций является переработка составов, а также формирование новых составов. Это во многом зависит от рационально спроектированного профиля спускной части сортировочной горки. Расчёт и проектирование высоты спускной части горки выполняется по существующему методу, согласно которому скорость движения вагона по уклону сортировочной горки определяют по формуле скорости падения тела по вертикали с учётом инерции вращающихся масс. Хотя при вертикальном падении вагона и речи не должно быть об инерции вращающихся масс. В развитых странах таких как США, Германия, Швеция, Китай, Индия и Россия обращено большое внимание на разработку методов механизации и автоматизации сортировочных горок на сортировочных станциях, которые в свою очередь влияют на местные отрасли и транспортную магистраль.

Подробный анализ работ, посвящённых исследованию проблем расчёта и проектирования спускной части сортировочной горки, позволяет утверждать, что до настоящего времени не разработаны расчётные схемы и математические модели движения одиночного вагона по уклону горки. В частности, до сих пор не разработан способ определения скорости, пути и времени торможения вагона на участках тормозных позиции. Таким образом, совершенствование методики расчёта и проектирование спускной части сортировочной горки при воздействии попутного ветра малой величины на основе построения математических моделей движения вагона на участках тормозных позиции является актуальной прикладной задачей железнодорожного транспорта.

В нашей Республике осуществляются мероприятия по развитию транспортной системы, включая разработку технологий контроля и оптимизации по организации процесса переработки и управления вагонопотоков на сортировочных станциях железнодорожного транспорта. В 2018-2022 гг. в мероприятиях по совершенствованию транспортной структуры, “... в целом в сфере железнодорожного транспорта поставлены задачи по-повышению безопасности и качества услуг железнодорожного транспорта, строительству новой железнодорожной магистрали, повышению уровня электрофикации железнодорожного транспорта, продолжению формирования международных транспортных каридоров и совершенствованию их деятельности в целях внедрения государственных внешне-торговых грузов на основной мировой рынок, применению гибкой тарифной политики, повышению инвестиционной привлекательности сферы, совершенствованию логистических услуг а также путём рационализации сотрудничества между различными видами транспорта, создать необходимые условия для интенсивного развития железнодорожной сферы Республики

